«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТМФА ГЕОЛОГИЯ, ЗИЛЗИЛАБАРДОШ ҚУРИЛИШ ВА СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ГАФУРОВ ФАРХОД ГИЯСОВИЧ

ТОЖИКИСТОННИНГ КАРБОНАТИТ НАМОЁНЛАРИ МИНЕРАЛОГИЯСИ, ГЕОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ГЕНЕЗИСИ

04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё

Геология-минералогия фанлари доктори (DSc) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Гафуров Фарход Гиясович
Тожикистоннинг карбонатит намоёнлари минералогияси, геокимёвий хусусиятлари ва генезиси.....3

Гафуров Фарход Гиясович
Минералогия, геохимические особенности и генезис карбонатитовых проявленийТаджикистана..... 33

Gafurov Farkhod Giyasovich
Mineralogy, geochemical features and the genesis of carbonatite manifestations of Tajikistan.....63

Эълон қилинган ишлар рўйҳати
Список опубликованных работ
List of published works…….67

«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДМ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/30.12.2019.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТМФА ГЕОЛОГИЯ, ЗИЛЗИЛАБАРДОШ ҚУРИЛИШ ВА СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ГАФУРОВ ФАРХОД ГИЯСОВИЧ

ТОЖИКИСТОННИНГ КАРБОНАТИТ НАМОЁНЛАРИ МИНЕРАЛОГИЯСИ, ГЕОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ГЕНЕЗИСИ

04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё

Геология-минералогия фанлари доктори (DSc) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2024

Диссертация Тожикистон Миллий Фанлар Академияси Геология, зилзилабардош курилиш ва Сейсмология институтида бажарилди.

Илмий маслаҳатчи: **Файзиев Абдулхак Рачабович**
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Халматов Рустам Абдухатович**
геология-минералогия фанлари доктори

Мамарозиков Усмонжон Довронович
геология-минералогия фанлари доктори

Миркамалов Рустам Хамзаевич
геология-минералогия фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **«Регионалгеология» ДУК**

Диссертация ҳимояси «Минерал ресурслар институти» ДМ ҳузуридаги DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «25» 04 соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64; Тел. (99871) 209-08-93; e-mail: info@mridm.uz, gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан «Минерал ресурслар институти» ДМнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (34/3 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100064, Тошкент ш., Олимлар кўчаси 64-уй. Тел: (99871) 209-08-93).

Диссертация автореферати 2024 йил «04» 07 куни тарқатилди.
(2024 йил "11" 03 даги 14-рақамли реестр баённомаси).

М.У. Исоқов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

С.С. Сайитов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф. фалсафа доктори (PhD)

М.М. Пирназаров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, г.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори диссертациясининг автореферати (DSc))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Карбонатитлар кўплаб маъдан ва номаъдан фойдали қазилмаларнинг потенциал манбалари ҳисобланганлиги сабабли уларга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Саноат талабининг ортиши ва минерал хом ашё нархларининг ўсиб бориши минерал хомашёнинг, хусусан карбонатитларнинг янги турларини аниқлаш ва улардан фойдаланишда ўзига хос ва истиқболли хомашё тури сифатида кўришни талаб қилмоқда.

Карбонатит туридаги конлар одатда йирик ёки жуда йирик конлар турига мансуб бўлиб, улар плавик шпат, целестин, камёб ва радиоактив элементлар, стронций, барий, фосфор, қўрғошин, тантал, ниобий ва бошқа бир қатор элементларнинг саноат манбаи бўлиб хизмат қилади.

Карбонатитлар минералог-геологларнинг эътиборини ўзининг геокимёвий ва петрологик хусусиятлари, ушбу жинсларга ҳамроҳ бўлган минерал парагенезисларининг ўзига хос таркиби, шунингдек катта амалий аҳамиятга эга фойдали компонентлар тўплами билан жалб қилади. Шу муносабат билан, ушбу жуда қизиқарли жинсларнинг янги объектларини потенциал янги фойдали қазилма манбалари сифатида аниқлаш катта қизиқиш уйғотади.

Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаларида минерал хомашё базасини кенгайтириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва муайян натижаларга эришилмоқда. Хусусан, кабонатитлар билан боғлиқ бўлган янги истиқболли объектлар аниқланган. 2016-2026 йилларда нодир металлар захираларини ўрганиш ва баҳолаш Давлат дастурида «...Тожикистоннинг карбонатит намоёнлари ўрганиш...»[1] бўйича вазифалари белгилаб берилган. Бу борада карбонатит туридаги янги намоёнларни аниқлаш, уларнинг минералогик геокимёвий таркиби ҳамда генезисини ўрганиш Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари геология соҳаси олдида турган устувор вазифа ҳисобланади.

Тожикистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 январдаги «2022-2026 йилларни «Саноатни ривожлантириш йили» деб эълон қилиш тўғрисида»ги 309-сон фармонида, Тожикистон Республикаси ҳукуматининг 2011 йил 3 декабрдаги «Тожикистон Республикаси геология хизматини ривожлантириш давлат дастурини тасдиқдаш тўғрисида»ги 599-сон қарорида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармонида, 2018 йил 1 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3578-сон, 2021 йил 21 апрелдаги «Геология соҳага инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал хомашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5083-сон қарорларида, шунингдек, ушбу

[1] Тожикистон Республикасининг 2016-2026 йилларда нодир металлар захираларини ўрганиш ва баҳолаш Давлат дастури

соҳада қабул қилинган бошқа норматив- хужжатларда назарда тутилган вазифаларни амалга оширилишига мазкур диссертация ишидаги тадқиқотларнинг натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VII - «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларни кўриб чиқиш. Карбонатит намоёнларнинг минералогияси, геокимёвий хусусиятлари ва генезисини ўрганиш бўйича хорижий тадқиқотчилар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, шу жумладан: Chinese Academy of Geological Sciences (Хитой), MNR Key Laboratory for the Study of Focused Magmatism and Giant Ore Deposits, Xi'an Center of Geological Survey, CGS (Хитой), School of Earth and Space Sciences, University of Science and Technology of China (Хитой), Department of Earth and Environmental Sciences, Bahria University (Исломобод, Покистон), Маъдан конлари геологияси, петрография, минералогия ва геокимёси институти (ИГЕМ), Академик А.Е.Ферсман номидаги Бутунроссия минералогия музейи (Россия Федерацияси), Геология фанлари университети Минерал ресурслар институти (Ўзбекистон), ТМФА Геология, зилзилабардош қурилиш ва сейсмология институти ва Тожикистон миллий университети.

Сўнгги ўн йилликда чет элда олиб борилган тадқиқотлар бир қатор илмий ва назарий натижаларга олиб келди. Хусусан, циркондаги гафнийнинг изотопик таркибини ўрганиш асосида карбонатит намоён бўлишининг шаклланиши концепцияси асосланган (Chinese Academy of Geological Sciences, MNR Key Laboratory for the Study of Focused Magmatism and Giant Ore Deposits, Xi'an Center of Geological Survey, CGS, School of Earth and Space Sciences, University of Science and Technology of China, Хитой), эритилган қўшимчаларнинг гомогенезация ҳароратининг юқори қийматлари аниқланган (ИГЕМ, Россия Федерацияси).

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Сўнгги ўн йилликларда карбонатитлар нисбатан янги оригинал эндоген хосилалар сифатида уларнинг генезиси ва саноат маъдандорлиги муаммоси билан боғлиқ ҳолда тадқиқотчилар эътиборини тобора кўпроқ жалб қилмоқда. Тадқиқотнинг асосий йўналишлари В. Бреггер, А. Хегби, В.С. Самойлов, В.С. Соколов, И.П. Майоров, Р.Д. Гаврилин, Е.Н. Окулов, И.П. Соловова, А.В. Гирнис, И.Д. Рябчиков, С.Г. Симакин, А.В. Гужова, А.Р. Файзиев, Ф.Ш. Искандаров, Ф.Г. Гафуров, Б.А. Алидодов, Л.А. Паутов, А.А. Агаханов, В.Ю. Карпенко, Jun Yjng, Wenhua Ji, Xiaoyong Yang, Ф.К. Диваев, М.А. Мундузова, Ш.А. Одинаев ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган.

Карбонатитлар биринчи марта Тожикистоннинг марказий қисмида ва Помирда топилган. Гарчи улар ҳақида биринчи эслатма ўтган асрнинг етмишинчи йилларининг бошларига тўғри келса-да, бу шаклланишларни ўрганиш ишлари амалга оширилмаган, шунинг учун улар ҳозиргача

ўрганилмаган. Ушбу тадқиқот мавжуд бўшлиқни сезиларли даражада тўлдиришга қаратилган.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тожикистон Миллий университетининг Геология ва фойдали қазилма конларини қидириш кафедраси илмий-тадқиқотлар режасининг «Тожикистонда карбонатит хосилаларнинг минералогик-геокимёвий хусусиятларини ўрганиш» (2009-2013) лойиҳаси, шунингдек, ТМФА Геология, зилзилабардош қурилиш ва сейсмология институти илмий-тадқиқотлар режасининг «Тожикистонда карбонатитларнинг минералогик-термобарогеокимёвий хусусиятлари» (2001-2005), «Тожикистонда карбонатитларни ўрганишнинг истиқболлари» (2005-2010) лойиҳалари боирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Марказий Тожикистон ва Шарқий Помир ҳудудида карбонатит ҳосил бўлишининг геологик, минералогик-геокимёвий ва генетик хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Тожикистон ҳудудида карбонатит намоёнларининг геологик шароитлари ва жойлашиш қонуниятларини ўрганиш;
- карбонатит намоёнлари маъданларининг минерал таркибини комплекс ўрганиш;
- Тожикистон карбонатитларининг кимёвий таркибини ўрганиш;
- қўшимча элементларни ва камёб ер элементларини ўрганиш ҳамда карбонатитларнинг асосий минераллари таркибидаги флюид қўшимчаларни ўрганиш орқали термобарогеокимёвий тадқиқотларни бажариш;
- карбонатит намоёнларининг генезиси ва маъдан таркиби хусусиятларини ёритиш.

Тадқиқот объекти сифатида Дункелдик (Шарқий Помир) ва Дараипиёз (Марказий Тожикистон) ишқорий жинслар массивларининг карбонатит намоёнлари танланган.

Тадқиқот предмети сифатида Марказий Тожикистон ва Помир ҳудудидаги ишқорий массивлар ва улар билан боғлиқ карбонатитларнинг тарқалиш майдони, маъданлар ва минералларнинг моддий таркиби, кимёвий элементлар ва маъдан таналари танланган.

Тадқиқот усуллари. Геологик ва минералогик хариталашнинг классик усуллари, карбонатит маъданларининг минерал таркибини микроскопик ўрганиш (РФА МГРИ петрография лабораторияси), тадқиқотнинг термобарогеокимёвий усуллари, хусусан, сув олиш усуллари, қўшилмаларни гомогенлаштириш, нейтронларни фаоллаштириш ва рентген люминесценциясини таҳлил қилиш усули (Россия Фанлар Академияси ГЕОХИ институти), энергия дисперсив спектроскопия усули (Link ISIS), Рентген фотометрияси, ИҚ-спектроскопияси, электрон микрозонд усули (РФА А.Е.Ферсман номидаги Бутунроссия Минералогия музейи лабораторияси), ВИМС, ИМГРЭ лабораториялари, РФА (Москва) ва бошқалар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

карбонатитлар ва оралиқ таркибдаги жинсларнинг икки авлоди аниқланган бўлиб, улар бир томондан карбонатитлар ва бошқа томондан сиенит-карбонатитлар деб аталадиган ишқорий сиенитлар билан ифодаланади;

биринчи марта Тожикистоннинг карбонатит намоёнлари геологик, минералогик ва геокимёвий хусусиятлари ўрганилди;

иккита янги минерал (файзиевит, александровит) кашф қилинди ва биринчи марта ишқорий массивларда камёб минераллар титантарамеллит, барилит, стронциобарит, бритолит, геденбергит ва молибденит кабилар кашф қилинди ва тавсифланди;

карбонатит ҳосил бўлишининг термобарик шароитлари аниқланди ва Тожикистонда флюорит минерализациясининг янги магматоген тури – флюорититлар ўрганилди;

карбонатитларнинг генезиси тўғрисида янги маълумотлар олинди ва карбонатит намоён бўлган рудалардан комплекс фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар берилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

карбонатитлашув мезонлари аниқланди;

Тожикистоннинг карбонатит намоёнлари рудаларининг моддий таркиби ва уларнинг ҳосил бўлиш ҳарорати белгиланди;

радиоактив ва камёб ер элементларининг юқори концентрацияси аниқланди;

карбонатитларнинг генезисига ойдинлик киритилди;

Олинган натижалардан нафақат Тожикистонда, балки бошқа шунга ўхшаш объектларда ҳам карбонатитнинг янги намоёнлари ва конларини қидириш, башоратлаш ва баҳолаш учун фойдаланиш тавсия этилади.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилигига замонавий тасдиқланган таҳлил усулларидан фойдаланиш, шунингдек асбобларни эталонлаштириш ва стандартлаштириш, таҳлилларнинг ташқи ва ички назорати, шунингдек таҳлил натижаларини статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланиш орқали эришилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган тадқиқот натижалари карбонатитларнинг плавик дала шпати минерализацияси, шунингдек, камёб, камёб ер элементлари ва радиоактив элементлар билан бойитилишини кўрсатади, бу эса уларни интеграциялашган саноат фойдаланиш имконияти нуқтаи назаридан кейинги ўрганишни тавсия қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти минерализациянинг ишқорий жинслар билан генетик ва фазовий алоқасини ўрнатиш, минерал ҳосил қилувчи муҳит таркибини ва карбонатит намоён бўлишининг термобарогеокимёвий шароитларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот натижаларини амалга ошириш. Тожикистон карбонатитларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

карбонатит маъданлашувини геологик шарт-шароитлари ва тарқалиш қонуниятларини аниқлаштириш, уларнинг шаклланишининг термобарогеокимёвий шароитлари ва минерал парагенезнинг ўзига хос

хусусиятлари Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Геология Бош бошқармаси амалиётига жорий қилинган (ГББнинг 2023 йил 12 майдаги 06-сонли маълумотномаси). Натижалар қидириш ва башоратлаш мезонлари бўлиб, ГББнинг ишлаб чиқаришда истиқболли ҳудудларнинг генезиси ва руда таркибини аниқлаштириш учун ишлатилади;

карбонатит намоёнларида минералларнинг кенг турлари ва хилма-хиллиги, минерал парагенезисларининг ўзига хослиги Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Геология Бош бошқармаси амалиётига жорий қилинган (ГББнинг 2023 йил 12 майдаги 06-сонли маълумотномаси). Натижалар истиқболли майдонларда қидириш ва разведка ишларида геологик мезонлар сифатида фойдаланилган;

- камёб, радиоактив элементлар, стронций, барий ва бошқа элементларнинг аниқланган юқори миқдори Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Геология Бош бошқармаси амалиётига жорий қилинган (ГББнинг 2023 йил 12 майдаги 06-сонли маълумотномаси). Натижалар Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Геология Бош бошқармаси ишлаб чиқаришда янги аниқланган ёки кам ўрганилган маъданли объектларини саралаш учун геология қидирув ишларида ишлатиладиган карбонатит маъданлашувининг типокимёвий белгиси ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларини апробация қилиш. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиш. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та монография, илмий журналларда - 12 та мақола (5 таси чет элда), 5 та халқаро ва республика кенгашлари ва конференцияларининг тезислари тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, еттита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 221 бет 22 та жадвал, 40 та расмдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва унга бцлган талаб, ишнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилган, объекти ва мавзуси тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилик ва амалий тадқиқот натижалари тақдим этилган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти аниқланди, карбонатитларни қидириш ва қидириш мезонлари аниқланди, амалиётга жорий этиш тадқиқот натижалари, нашр этилган ишлар тўғрисида маълумот ва диссертация ишининг тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи «**Тожикистоннинг карбонатит намоёнларини ўрганиш тарихи тўғрисида»**ги боби Тожикистоннинг карбонатит намоёнларини ўрганиш тарихига бағишланган, карбонатитлар тушунчаси берилган, уларнинг Тожикистон ҳудудида тарқалиши кўрсатилган.

Тожикистон ҳудудида карбонатитлар биринчи марта И.Р.Майоров ва Р.Д.Гаврилин томонидан 1971 йилда Олой тизмасининг сув ҳавзасида, унинг Туркистон ва Зарафшон тизмаларига виргацияси ҳудудида тасвирланган. Улар бу ерда мураккаб сенит-гранит массивлари Матча, Тутек ва Дараи Пиёз атрофидаги бир қатор тўғонлар билан ифодаланади. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларининг бошларида Е.Н.Окулов Туркистон тизмасининг Жанубий ёнбағрида машҳур камёб металли пегматитлар *Тро* ва *Самжен* ҳудудида кварцли карбонатитларини кашф этди. Улар қуйи силурнинг слюда-гилли сланецларида ётади.

Помирда карбонатитлар биринчи марта етмишинчи йилларнинг охирларида М.М.Безугли томонидан Марказий Помир тектоник зонасининг Музкол-Рангкул субзонасида тасвирланган.

Саксонинчи йилларнинг бошларида Шарқий Помирда А.Р.Файзиев ва Ф.Ш.Искандаров учта карбонатит кўринишини тасвирлаб берди – Дункелдик, Танимас ва Қизил-Жиик.

Дункелдик маъданининг пайдо бўлиши Рушан-Пшарт чуқур ер ёриғи зонасида жойлашган ва қолган иккитаси Марказий Помир минтақавий ер ёриғи билан чегараланган. Дункелдикда карбонатитлар қалинлиги 10-15 см дан 3-4 м гача, узунлиги биринчи ўндан бир неча юз метргача бўлган дайкалар ва дайкасимон таналар шаклида учрайди.

Дала ишлари пайтида (2002-2007 йиллар) Дараи Пиёз дарёсининг юқори оқимида, худди шу номдаги массивнинг жануби-ғарбий контактида биз бир нечта карбонатит таналарини аниқладик. Дараипиёз ишқорий массивининг карбонатит таналари мураккаб тузилишдаги сиенит-гранит массивлари атрофида бир қатор томирлар ва томирсимон дайкалар шаклида келади. Улар асосан қалинлиги 4-5 м ва узунлиги 50 дан 80 м гача бўлган кальцит-далашпати-эгиринли дайкларидан иборат. Бу шаклланишлар орасида жануби-ғарбда массивнинг контакт олди қисмида, Дараи Пиёз дарёси ҳавзасининг ўнг томонида, эгирин ва нефелин сиенитларини ёриб чиқувчи концентрик карбонатит дайкалари алоҳида ўрин тутади.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Тожикистоннинг карбонатит намоёнлари ҳудудларининг геологик тузилишининг қисқача тавсифи»** карбонатит намоёнлари кенг тарқалган ҳудудларнинг геологик тузилиши тавсифланган (Дункелдик - Жануби-Шарқий Помир ва Дараи Пиёз – Туркистон-Олой).

Дункелдик конининг геологик тузилишида перм, триас ва тўртламчи даврлар ётқизиқлари иштирок этади. Перм даврининг жинслари икки қатламни ташкил қилади: қуйи ва юқори. Қуйи қатламнинг пастки қисми эффузив-терриген, юқори қисми эса оҳакли-кремнийли ётқизиқлардан иборат.

Дункелдик ишқорий массиви ҳудудидаги магматик жинслар кенг тарқалган ва майдоннинг тахминан 70% ни эгаллайди. Улар бир нечта интрузив комплекслар билан ифодаланади. Коннинг магматик шаклланишларидан Дункелдик дарёсининг юқори оқимида жойлашган Верхнедункелдик субвулканик калий ишқорий массиви катта қизиқиш уйғотади. У 4800 дан 5100 м гача бўлган баландликлар оралиғида жойлашган.

Дастлабки шаклланишлар псевдолейцит жинслар - фергуситлар, бороланитлар, псевдолейцитли сланецлар; иккинчи босқичда пироксенли ва пироксен-гранатли сиенитлар ва турли хил сиенит-порфирларнинг лейцитсиз турлари шаклланган; массив шаклланишининг охирги босқичида граносиенит порфирлари ва трахилипаритли порфирлар туфлари шаклланган. Юқоридункелдик массивининг ишқорий жинсларида карбонатланиш кенг тарқалган.

Дараипиёз массиви тахминан 18 км^2 майдонни эгаллайди. Таркиби жиҳатдан унинг асосий қисми терриген-сланец қатламидан (C_{2-3}) ташкил топган катта синклинал қатлам ядросида ҳосил бўлган. Массивнинг Шимолий қисми калкерли сланец жинслари (S_1w-S_2ld) томонидан ҳосил қилинган антиклинал бурма доирасида жойлашган.


Ишқорий жинсларнинг Дараипиёз массивида карбонатитларнинг икки авлоди аниқланган. Эрта карбонатитлар кенг ривожланишга эга ва юқори палеозойнинг магматик жинслари (сиенитлар, граносиенитлар) ва чўкинди-метаморфик шаклланишлари (сланецлар, қумтошлар, конгломератлар, линзали кварцитлар ва оҳактош қатламлари) орасида учрайди. Магматик жинслар орасидаги эрта карбонатитлар таналари тўлдирувчи сифатида нисбатан устунлиги билан ажралиб туради ва унча узун бўлмаган ёриқлар тизимларида тарқалади. Одатда, улар қалинлиги 0,2-0,5 дан 25-30 см гача бўлган чизиқли чўзилган (томирлар, томирчалар, линзалар) таналарни ҳосил қилади. Истисно ҳолатларда карбонатит томирларининг қалинлиги 1,0-2,2 м га этади. Уларнинг узунлиги бир неча метрдан ўнлаб метргачадир.

Кеч карбонатит кам ривожланган ва тартибсиз шаклдаги ва кесувчи томирлар таналарини ҳосил қилади. Томирлар, одатда кичик (4-5 см гача қувват) ва дарзликлар тарқалиш зоналари билан чекланган. Бундан ташқари, улар 0,2 дан 1,0 см гача бўлган бу жинслардан ксенолитлар билан эрта карбонатитлар танасида уялар ва линзалар ҳосил қилади. Шу билан бирга, парчаларнинг йўналиши асосан карбонатит танасининг контактига параллелдир. 1-расмда эрта карбонатит асосида кеч карбонатит шаклларининг бўлаги кўрсатилган.


Дараи Пиёз дарёсининг ўрта қисмида карбонатит танаси юқори палеозой сланецида чўзилган шаклда учрайди (2-расм). Унинг узунлиги тахминан 80 м, кўринадиган қалинлиги эса 20 дан 45 м гача. Ғарбий қисмдан бошқа контактлари қорайган. Улар майда донали карбонат массаларидан иборат ва кристалларнинг ўлчами 2-3 мм бўлиб контактга параллел йўналишда жойлашган.

Карбонатитлардаги сланецлар билан алоқалар яқинида ён жинсларнинг ксенолитлари кузатилади, уларнинг ўлчами 0,7-0,9 м га этади, улар ҳам чўзилиш орқали контактга мос келади.

Ксенолитларда резорбция жараёни ҳамма жойда сезиларли бўлиб, бир қатор ингичка карбонат томирлари шаклида ифодаланади.



1-расм. Эрта ва кеч карбонатитларнинг ўзаро боғлиқлиги: *1 – эрта карбонатит, 2-кеч карбонатит.*



2-расм. Дараипиёз массивининг карбонатит танасининг схематик кўриниши: *1 – сланец, 2 – карбонатитлар, 3 – тўртламчи ётқизиқлар.*

Учинчи **«Тожикистоннинг карбонатит намоёнларининг минералогияси»** бобида минералларнинг таркиби келтирилган ва уларнинг хусусиятлари берилган.

Бугунги кунга қадар конда 50 га яқин минераллар ва минерал турлари аниқланган. Коннинг умумий минералларига флюорит, кварц, кальцит, гипс, целестин, тремолит, калий дала шпати киради.

Флюорит коннинг энг кенг тарқалган минералларидан биридир. У ишқорли жинсларнинг қўшимча минерали сифатида учрайди (сиенитлар ва сиенит порфирлари), шунингдек карбонатитларнинг муҳим қисмини ташкил қилади. Аммо плавик шпатининг асосий миқдори флюоритдан ташқари бошқа минералларни ўз ичига олган шток шаклидаги таналарда, кўплаб томирларда, томирчаларда ва уяларда тўпланган. Сиенитлар ва сиенит порфирларидаги флюорит миқдори уларнинг ҳажмининг 1-2 дан 20-25% гачадир.

Кальцит флюоритдан кейин кондаги карбонатитларнинг асосий минералдир. Шунингдек, у скарноидлар, флюорит ва целестин томирлари, шунингдек брекчия цементида келади. Ўзгарган ишқорий жинсларда тоғ жинсларини ҳосил қилувчи минераллар сиенитлар ва сиенит порфирлари, биринчи навбатда пироксенлар ва амфиболларнинг парчаланиши туфайли кальцит ҳосил бўлган. Кальцит флюорит, флюорит-диопсид-гранат, флюорит-апатит-сульфид, флюорит-актинолит-далашпати-пирит томирлари ва томирсимон таналарда учрайди. У карбонатит жинсларида кенг тарқалган. Кальцит томирлар ҳажмининг 55% дан ортиғини ташкил қилади, ҳар хил донали тузилишга эга ва полисинтетик эгизак бўлиб, бу ўрганилаётган минералнинг ўзига хос хусусиятидир.

Камёб металларнинг *фторокарбонатлари* (бастнезит, паризит) асосан сиенит порфирлари, карбонатитлар, флюорит томирлари ва ўраб турган терриген жоғ жинслари орасида ингичка томирлар ва аниқ кўринишга эга бўлган чизиқлар шаклида қайд этилган. Шаклларнинг катталиги 3х4 мм га этади. Микроскопик текширув шуни кўрсатадики, фторокарбонатлар майда донали агрегатлар ҳосил қилади. Карбонатитларда камёб металларнинг фторокарбонатлари жинслар ҳажмининг тахминан 2% ни эгаллайди.

Стронциобарит. Биз кондан топган минерал гипс ва карбонатит томирлари орасида уялар ва турли ўлчамдаги майда доналар шаклида учрайди.

Ўрганилган минерал флюорит, кальцит, апатит, монацит, пирит ва бошқалар билан яқин синтезда. Бу флюорит-кальцит-апатит, флюорит-апатит-целестин, флюорит-бритолит-апатитли, флюорит-апатит-пирит, флюорит-апатит-гранат ва бошқа минерал бирлашмалари топилган. Ушбу шаклланишларда стронциобарит тартибсиз шаклдаги доналарни ҳосил қилади. Руда бирлашмаларида минерал таркиби жинслар ҳажмининг 2-3% ни ташкил қилади.

Бритолит ёки камёбметалли-кальцийли фосфат-силикат. Намоёнларни ўрганаётганда биз шартли равишда бритолит деб ташхис қўйилган олти бурчакли габитус шаклидаги кристалларни топдик. Яқинроқ текширилгандан сўнг, бу минерал камёб металли-кальций фосфат-силикат бўлиб чиқди. Бу гранат, пироксен, амфибол, флогопит, апатит, галенит, пирит ва бошқа минераллар билан боғлиқ. Жуда камдан-кам ҳолларда текширилаётган минерал ўзгартирилган сенит порфир топилган.

Таърифланган минерал биринчи марта нафақат Шарқий Помир ҳудудида, балки бутун Тожикистонда қайд этилади.

Дараипиёз массиви ишқорий жинслари ўзининг ноёб минерализацияси билан кенг танилган. Дараипиёз ишқорий массивининг карбонатитларининг минералогик таркиби анча мураккаб.

Уларнинг асосий тоғ жинси ҳосил қилувчи минерали кальцитдир. У билан бирга дала шпати ва ишқорий пироксен (эгирин) карбонатитларда муҳим рол ўйнайди.

Карбонатитлардаги *флюорит* нисбатан кенг тарқалган минераллардан бири бўлиб, унинг таркиби тоғ жинси умумий ҳажмининг 12-15% га этади.

Бу алоҳида доналар, томирлар ва уяга ўхшаш секреция шаклида учрайди. Айрим томирларнинг қалинлиги 5-6 см га этади ва уяларнинг ўлчами 10х8 см. Майдадан йирик кристалларгача 2 см гача бўлган агрегатлар учрайди.

Дараипиёз ишқорий массивининг карбонатитларидаги флюоритда қуйидаги қўшимча элементлари (г/т) топилган: Sr - 2245, TR - 638, Y-429, Th-92, Na - 3196, K-1037.

Кальцит. Кальцит Дараипиёз ишқорий массивида кенг тарқалган. Бу карбонатитларнинг асосий жинс ҳосил қилувчи минерали бўлиб, улардаги миқдори 50-55% дан 90-95% гача. Кальцитнинг сезиларли тўпланиши ҳам сиенитлар, нефелин сиенитлар, кварц-эгирин-дала шпати томирлари ва пегматитларнинг бир қисмидир. Карбонатитларда кальцит майда донадор шакарга ўхшаш гигантокристалли пластинкасимондир, алоҳида секрецияларнинг ўлчамлари 5-6 сантиметргача ва баъзан йирикроқ.

Кимёвий таркиби (масс. %) кальцит (CaO - 53.60, MgO - 0.49, MnO - 0.25, FeO - 0.12, SrO - 0.55, BaO - 0.07, SiO_2 - 0.05) стронцийнинг назарий жиҳатдан юқори таркибидан фарқ қилади. Дараи Пиёз карбонатитлари кальцити таркибида Масс-спектрометрик таҳлилга кўра қуйидагилар аниқланган: REE, Y, Mn, Sr, Ba, Rb, Cs, Be, U, Th, Cr, Ni, Cu, Pb и Zn.

Доломит. Ишқорий массивнинг карбонатитларини ўрганишда (Файзиев ва бошқ., 2011), у ерда асосий кальцит карбонатитлар билан бирга эрта карбонатитлар ажратилиб, ёшроқ карбонат жинслари топилганлиги

кўрсатилган. Ушбу турдаги жинслардан бири қуюқ жигарранг карбонатлардир. Улар қалинлиги 4-5 см гача бўлган томирлар, шунингдек уялар, линзалар ва тартибсиз шаклда учрайди.

Тўқ жигарранг карбонатнинг кимёвий таркиби (масс. %) (SiO_2 - 8.86, TiO_2 - 0.33, Al_2O_3-1.70, $FeO+Fe_2O_3$ - 3.67, MgO - 0.62, MnO - 0.52, CaO - 46.15, SrO - 0.46, BaO - 0.10, Na_2O - 0.07, K_2O - 0.82, P_2O_5 - 0.35, SO_3 - 0.20, CO_2 - 39.68) карбонатит кальцитларидан Fe, Mg, Mn, Sr, Ba ва K кабиларнинг миқдори кўплилиги билан фарқланади.

Апатит. Тадқиқот минерали ишқорий жинсларнинг Дараипиёз массивидаги магматик жинсларнинг, шу жумладан карбонатитларнинг энг кенг тарқалган қўшимча минералидир. Одатда, карбонатит массасидаги минерал 1-0,5 мм ўлчамдаги бир текис (1,0% атрофида) донадор тарқалишни ҳосил қилади.

В.Д.Дусматов (SiO_2 - 0.48, Al_2O_3 - 0.18, FeO - 0.12, MgO - 0.17, CaO - 54.94, Na_2O - 0.80, K_2O - 0.32, H_2O^- - 0.46, P_2O_5 - 40.22, F - 2.45, $-O=F_2$ - 1.04) томонидан ўрганилган апатитнинг кимёвий таркиби (иккита таҳлил ўртачаси) ва унинг оптик хусусиятлари свойства (Nm=1.630-1.637, Np=1.627-1.633) минералнинг флорапатитга тегишли эканлигини кўрсатади.


Графит ишқорий массивдаги силикат-карбонат жинсидаги сферолитнинг мураккаб тузилишдаги агрегатлари шаклида топилган. Ўрганилган минерал кальцит, кварц, эгирин, дала шпати ва бошқа минераллар билан боғлиқ. Шунингдек, у карбонатит таналарида майда донали шакарга ўхшаш кальцит ва эгиринда пирит ва галенитнинг ҳар-ҳар замон учрайдиган доналари билан келади, алоҳида уячаларнинг ўлчами 0,8х0,5 см га этади. Таърифланган жинсларда графит таркиби 12-14% дан ошмайди.

Циркон Дараи Пиёзнинг ишқорий массивида интрузив жинсларининг энг кенг тарқалган қўшимча минералидир. Цирконнинг йирик секрециялари альбититлар ва альбитлашган сиенитларда келади. У сирен ва пушти рангларда 2 см гача бўлган яхши қиррали дипирамидал кристаллар шаклида учрайди. Карбонатитларда у фақат микроскопик текшириш орқали топилади. Унинг ягона кристаллари идиоморфик ва кўпинча дала шпати, ишқорий пироксен ва карбонат секрецияси билан коррозияга учрайди.

Эгирин сиенитлар, пегматитлар ва карбонатитлар қатори асосий жинс ҳосил қилувчи минераллардан биридир. Ишқорий массивнинг карбонатитларида эгирин миқдори уларнинг ҳажмининг 1-2 дан 35-40% гача ўзгаради. Минерал асосан узунлиги 12-14 см га этадиган узун призматик кристаллар шаклида учрайди. Кимёвий таркиби (мас. %) (4 та таҳлил ўртачаси): SiO_2 - 50-99, TiO_2 - 1.61, Al_2O_3 - 0.21, Fe_2O_3 - 27.49, FeO - 3.49, MnO - 0.55, MgO - 1.90, CaO - 3.78, Na_2O - 9.14, K_2O - 0.06, ппп-0.81, сумма-100.03. Титан ва CaO нинг нисбатан юқори миқдори эътиборни тортади. Бу, эҳтимол, эгирин-авгитдир.

Титантарамеллит мазкур иш муаллифи томонидан Л.А.Паутов, А.А.Агаханов билан биргаликда тасвирланган ва тарамеллитдан фарқ қилади, чунки M октаэдрал позицияси асосан титан билан тўлдирилган. Тарамеллит қуйидаги изоморфизм схемаси билан ифодаланиши мумкин бўлган қатор ҳосил

бўлади: $2Fe^{3+} = Ti^{4+} + Fe^{2+}$. Баъзи ҳолларда магний, ванадий ва хромнинг октаэдрал ҳолатига киритилиши қайд этилади. Тарамеллит-титантарамеллит сериясининг кристалл тузилиши, кимёвий таркиби, топилган жойлари ва минераллар бирлашмаларининг хусусиятлари Е.Грю (1996) асарида умумлаштирилган. Титантарамеллитнинг датолит билан ассоциацияси (3,4-расм) Дараи Пиёзда у пастроқ ҳароратда ҳосил бўлган бўлиши мумкин.



3-расм. Титантарамеллит кристалларининг қўшимчалари. *РЭМ фотосурати, SEI режимидаги расм. Шкала чизиғининг узунлиги 20 мкм*



4-расм. Датолитда титантарамеллит доналарининг (2х6 мм) ўсиши


Дараи Пиёзда титантарамеллитининг кашф этилиши титантарамеллитнинг Тожикистондаги биринчи ва эҳтимол Евроосиё қитъасидаги биринчи кашфиётидир.

Александровит. 2004 ва 2007 йилларда Л.А.Паутов, А.А.Агаханов ва В.Ю.Карпенколар билан биргаликда иш муаллифи томонидан тўпланган дала материалларини ўрганиш жараёнида верхнедараипиёз ишқорий массивида таркиби соддалаштирилган $KLi_3Ca_7Sn_2[Si_6O_{18}]_2F_2$. формуласи билан ифодаланиши мумкин бўлган янги қалай минерали - александровит топилди. Александровит баратовитнинг $KLi_3Ca_7Ti_2[Si_6O_{18}]_2F_2$ қалайли аналоги ҳисобланади ва катаямалитнинг фтор қалайли аналоги $KLi_3Ca_7Ti_2[Si_6O_{18}]_2(OH,F)_2$ ҳисобланади.


Микроклин-кальцит тоғ жинси (5-расм) тартибсиз жойлашган йирик (10-15 х 8-15 х 0.5-1.5 см) яссиланган (001) оқ кальцит доналаридан иборат (ppm: Ba - 1030, Sr - 4530, Mn -1010, Ce - 165, Y - 38). Бунда тоғ жинслари каркаси ҳосил қилиниб микроклиннинг ва альбит, кварц, кальцит, апатитларнинг овал шаклдаги оч-кулранг зонал кристаллари шаклланган(1-2 см бўйлаб). Пироксен 1 см узунликдаги устунли доналарни ҳосил қилади, кўпинча кальцит ва дала шпати агрегатининг катта плиталари чегараси билан чегараланади.

6-расмда Ti-Sn-Zr (ат. %) учбурчак диаграмма кўрсатилган. Бунда берилган таҳлиллар натижаларини, шунингдек Дараи Пиёзанинг кварц-альбит-пироксен-микроклин-кальцит жинсларидан баратовитга яқин минераллар таҳлилини кўрсатади. Бу октаэдрал ҳолатда бир элемент устунлик томонидан, қуйидаги минералларни ажратиш мумкин деб кўрсатади: титан – баратовит ва катаямалит, қалай – алехандровит, циркон устунлиги билан - уларнинг номсиз цирконий аналоги.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, биз санаб ўтилган барча минералларни баратовит гуруҳига бирлаштиришни таклиф қиламиз.



5-расм А-Александровит топилган блокининг кўриниши. *Блокнинг ўлчами 2x2x3,5 м. 1-сиенит зонаси, 2-сиенитдан кварц-микроклин-кальцит жинсига ўтиш зонаси. Катта овал кальцит ажралишлари кўринади. 3-кварц-микроклин-кальцит жинсларининг зонаси. б-олдинги тасвирнинг парчаси, 3-зона кварц-микроклин-кальцит тоғ жинси. С ва d-чироқ ва қисқа тўлқинли ультрабинафша ёритгич билан ёритилганда 3-зонадан олинган тоғ жинси намунасининг кўриниши. Кварц секрецияси ёрқин яшил рангда люминесцент, кальцит доналари пушти-қизил, микроклин пушти-бинафша рангда. Қора доналар-эгирин-геденбергит*




6-расм. Баратовит гуруҳининг минералларида октаэдрал катионлар таркибидаги ўзгаришлар (атом миқдорида).
*Мовий ромб - баратовит (Дусматов ва бошқ., 1975), оч яшил учбурчак - баратовит (Reguir et al., 1999), тўқ яшил майдон - катаямалит (*Murakami et al*., 1983), қизил доиралар - бизнинг маълумотларимиз*

Барилитни ушбу асар муаллифи томонидан топилди ва таърифланди.

Барилит талиткали кристалл фрагменти шаклида (5x3x0,5 мм) ва кварцда ўсган пластинкасимон доналар шаклида топилган (7-расм).

Барилитнинг кимёвий таркиби (1-жадвал) миснинг репер намунасида 4 нА токда 20 Кв лик Link ISIS энергодисперсион спектрометрлик CamScan 4D сканерловчи электрон микроскопда аниқланди. Қуйидаги стандартлар ишлатилди: Si, Ca - плагиоклаз USNM 15900, Ba учун - $BaSO_4$. Композицияда бериллий минералининг мавжудлиги ICP OES усули билан тасдиқланган.



7-расм. Кварцдаги жадвалли барилит кристали.

5715-сон намуна. Турли нуқталардан олинган битта кристалл. Кўриш майдони кенглиги 15 мм.

1-жадвал

Дараи Пиёздан олинган барилитнинг кимёвий таркиби (масс. %)

Компонентлар	1	2
SiO_2	37,49	37,46
CaO	0,01	0,03
BaO	46,93	46,90
BeO *	15,51	15,49
So'm	99,94	99,88
Формула коэффициентлари (O = 7 учун ҳисобланган)		
Si	2.01	2.01
Ca	0.00	0.00
Ba	0.99	0.99
Be	2.00	2.00
O	7.00	7.00

Эслатма: BeO - стихиометрдан келиб чиқиб ҳисобланган. Таҳлилчи Л.А.Паутов*

Дараи Пиёз ишқорий мажмуасида барилит кашф этилиши Тожикистонда барилитнинг биринчи топилмаси ҳисобланади.

Агреллит карбонатит таналарида топилган ва индивидуал секрецияси узунлиги 3-4 см га этадиган таблетка ва толасимон тузилишли агрегатларини ҳосил қилади. Ўрганилган минерал эгирин, туркестанит, мизерит, пектолит, баратовит, флюорит, дала шпати, кварц ва бошқа минераллар билан боғлиқ.

Кимёвий таркиби (мас. %, 5 та таҳлил ўртачаси) Дараи Пиёз агреллити: SiO_2 - 59.80, Al_2O_3 - 0.50, Fe_2O_3 - 0.20, MnO - 0.09, MgO - 0.10, CaO - 27.66, TR_2O_3 - 0.51, Na_2O - 6.17, K_2O - 1.19, H_2O^+ -1.49, F - 4.09, $-O=F_2$ - 1.71.

Шуни таъкидлаш керакки, юқоридаги минераллар рўйхати ва уларнинг хусусиятлари Дараи-Пиёз ишқорий массивининг бутун минерал хилма-хиллигини тугатиб қўймайди. Ҳозирги вақтда массивнинг карбонатитларига батафсил комплекс минералогик тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади, тоғ жинси ҳосил қилувчи минераллар кам ўрганилган, маъдан минераллари етарли даражада ўрганилмаган.

Тўртинчи боб – «**Тожикистоннинг карбонатит намоёнларининг геокимёвий хусусиятлари»**.

Маълумки, минераллар таркибидаги қўшимча-элементларининг таркиби уларнинг ҳосил бўлиш шароитларини акс эттиради ва шу билан маъдан ҳосил бўлиш жараёнларининг самарали геокимёвий кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Дункелдик намоёнининг карбонатитлари флюоритида қуйидаги қўшимча элементлар мавжуд: стронций, барий, уран, торий, камёб ер элементлари, иттрий, марганец, бериллий, қўрғошин, рубидий, натрий, калий ва бошқалар.

Стронций Дункелдик кони флюоритининг таркибий қўшимчаларидан биридир. Бироқ, радиуслардаги сезиларли фарқ туфайли (Ca -1.06 Å; Sr-1.27 Å), бу элементларнинг изоморфизми чекланган бўлиши керак эди.

Барий флюоритнинг муҳим типокимёвий элементларидан биридир. Флюоритнинг муҳим геокимёвий характеристикаси минерал таркибида ўхшаш кристалли кимёвий хусусиятларга эга бўлган иккала элементнинг стронций-барий нисбати биргаликда мавжудлигидир. Флюоритда барийнинг сезиларли тўпланишига қарамай, стронций таркибининг барийга нисбати (ўртача 5,4) ундаги стронцийнинг янада катта концентрациясини кўрсатади.

Уран ҳам флюоритнинг таркибий қўшимчаси ҳисобланади. Флюоритнинг кристалл панжарасига унинг изоморфик кириш эҳтимоли ураннинг ион радиусининг калций (Ca – 1.06A^0, U-1.05A^0) билан яқинлиги билан боғлиқ. Уран Дункелдик конининг флюоритларида 44 дан 49 г/т гача бўлган миқдорда мавжуд бўлиб, бу барча генетик гуруҳларнинг ўрганилган флюоритларида ушбу элементнинг максимал концентрациясидир (Файзиев, Коплус, 1987). Бу ерда ўртача уран таркиби (42 г/т) ер қобиғидаги ушбу элементнинг кларкидан 18,8 баравар кўпроқдир.

Торий, шунингдек стронций ва уран флюоритнинг таркибий аралашмаси бўлиб, унинг тузилишига кириш имконияти торий (1.10A^0) ва калций (1.06A^0) ион радиусларининг яқинлиги билан боғлиқ. Коннинг флюоритларида торий тўпланиш даражаси ҳам жуда юқори ва 50 дан 120 г/т гача (ўртача 99 г/т). Бу ер қобиғидаги ушбу элементнинг кларкидан 76 баравар юқори.

Камёб металлар (REE) карбонатит намоёнлари флюоритининг муҳим аралашмалари бўлиб, унинг таркибидаги кальцийни изоморфик равишда алмаштиради ва ушбу минералнинг типоморфик хусусиятларини аниқлайди.

Коннинг флюоритлари таркибини ўрганиш тоннасига минглаб грамм билан ўлчанадиган REE миқдорининг юқори эканлигини кўрсатади. Уларнинг минимал концентрацияси 1800 г/т, максимал эса 4700 г/т, ўртача таркиби 2560 г/т. Бу Гольдшмидт маълумотларига кўра ер қобиғидаги ушбу элементларнинг кларкидан 22 баравар юқори.

Иттрий минералнинг кўплаб типоморфик хусусиятларини аниқлайдиган флюоритнинг кенг тарқалган аралашмаларидан биридир. Флюорит конларидаги иттрий 240 дан 900 г/т гача бўлган миқдорда мавжуд.

Рубидий. Дункелдик конидаги флюорит таркибидаги рубидий миқдори салмоқлидир, 14 дан 108 г/т гача (ўртача 62 г/т). Бундай ўртача таркиб А.Р.Виноградов (1962) бўйича ер қобиғидаги ушбу элементнинг кларкидан 2,4 баравар паст. Бироқ, флюорит учун бу нисбатан юқори концентрация ҳисобланади. Бу фақат грейзен флюоритлари билан солиштирганда пастроқ,

лекин пегматитлар, скарнлар ва гидротермал намоёнларига (Файзиев, Коплус, 1987) қараганда анча кўп.

Шундай қилиб, уран, торий, камёб металлар, стронций, барий ва бошқа элементларнинг юқори даражада тўпланиши ушбу турдаги минерализациянинг типокимёвий белгилари бўлиб, улар янги кашф етилган ёки кам ўрганилган руда объектларини саралаш учун ишлатилиши мумкин, бу қидирув босқичида флюорит намоёнларини геолого-экономик баҳолаш учун муҳимдир.

Дараи Пиёз ишқорий массивининг карбонатитлари ва сиенит-карбонатитларининг кимёвий таркиби ноаниқлик билан ажралиб туради. Магматик жинслар орасида жойлашган эрта карбонатитлар таркиби бўйича ишқорий-ультрабазит комплексларнинг лейкократик карбонатитларига ўхшайди. Таҳлил қилинган намуналарнинг аксариятида SiO_2 таркиби жуда паст (0,03-0,17%). TiO_2 таркиб интервалларни 0.01 учун 0.24 (ўртача 0.07%), ва AI_2O_3 - 0.04-4.24 (1.28%). Агар биринчи компонентнинг ўртача миқдори адабиётда тасвирланган карбонатитларнинг ўртача таркибидан икки ёки ундан кўп марта паст бўлса, иккинчиси тахминан бир хил.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Дараи Пиёз карбонатитлари аксарият карбонатит комплексларига нисбатан паст апатит таркиби билан ажралиб туради. Улар, шунингдек, P_2O_5 нинг паст ўртача таркибига эга - атига 0,6%. Магматик жинслар орасида локализация қилинган карбонатитлардан фарқли ўлароқ, терриген-сланец қалинлигида жойлашган карбонатит таналари TiO_2 (0,17%), умумий темирнинг (1,29%), MgO (0,52%), SrO (0,35 %) ва CaO (50,82%) юқори миқдори билан ажралиб туради. Бошқа компонентлар камроқ миқдорда мавжуд (2-жадвал).

2-жадвал

Карбонатитлар ва сиенит-карбонатитларнинг кимёвий таркиби, вазни. %

Намуналар	SiO_2	TiO_2	Al_2O_3	$FeO+Fe_2O_3$	MgO	MnO	CaO
Магматик тоғ жинслари орасида жойлашган эрта карбонатитлар							
311	0.07	0.02	0.07	0.07	0.53	0.27	55.06
350	0.06	0.02	0.06	0.08	0.48	0.17	55.20
22/DP	0.03	0.01	0.04	0.64	0.53	0.68	54.74
25/DP	0.10	0.04	0.05	0.08	0.52	0.49	55.11
300	0.16	0.04	0.04	0.17	0.53	0.35	54.95
17/DP	0.17	0.05	0.10	0.24	0.06	0.62	55.43
402	0.17	0.04	0.09	0.22	0.05	0.61	55.18
9/DP	2.20	0.04	0.54	0.93	0.02	0.10	53.50
320	2.28	0.06	0.75	0.27	0.04	0.25	52.26
316	18.84	0.14	2.81	1.27	0.39	0.20	39.43
16/DP	24.00	0.10	3.85	1.82	0.43	0.09	35.12
308	28.50	0.12	4.00	1.85	0.58	0.17	31.72
335	29.21	0.24	4.24	2.13	0.90	0.27	30.05
Ўртача	8.14	0.07	1.28	0.75	0.39	0.33	48.29
Чўкинди метаморфик тоғ жинслари орасида жойлашаган эрта карбонатитлар							
77/DP	0.14	0.14	0.35	0.64	0.44	0.48	54.72
14/DP	0.79	0.18	0.49	0.41	0.13	0.10	54.39
56/DP	4.49	0.16	1.50	0.66	0.08	0.16	50.63
54/DP	11.91	0.19	2.25	3.13	0.38	0.21	43.53
Ўртача	4.33	0.17	1.15	1.29	0.52	0.24	50.82
Кеч карбонатитлар							

57/DP	3.71	0.17	0.63	3.30	0.44	0.61	50.53
